



Инсон қадри учун

Сохибқирон бобомиз “Хар қандай баланд бино ҳам биринчи ғиштдан бошланади” деганларидек, кичик ўзгаришлар катта бунёдкорликларга доя бўлади. Қайфиятга эса пашшанинг ғинғиллаши-ю, катта оркестрнинг мусиқаси бир хил таъсир этиши мумкин. Агар тоза қалб ва сезгир зехн билан атрофга назар ташланса, юртимизда ҳар соҳада мислсиз ўзгаришлар рўй бераётганини сезмаслик мумкин эмас. Кейинги 3-4 йилда мустақилликнинг моҳияти чинакамига намоён бўла бошлади. Халқимиз бу кунлардан шунақа ўзгаришларни, юксалиш нафасини кутган эди. Хар ҳолда, орзулар насия эмас, нақд экан. Кейинги йиллардаги янгиланишлар юртимиз чинакамига улкан имкониятлар манбаи эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Бу ҳолга тарих шоҳид, бугунги кунлар гувоҳ бўлаяпти. Зуваласи азалдан пишиқ қорилган, бетимсол куч-қудратни ўзида муҳассам этган юрт салоҳиятини тўла намоён этиб, дунё аҳлига чинакам бахт-саодат маскани эканини кўз-кўз этишга чоғланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг, бутун халқимизнинг тилаги шу, ҳаракатлар шу ниятнинг ижобатига қаратилган!

Нурли кунлар арафасида кўҳна ҳақиқатларни эслаб ўтиш ортиқчалик қилмас. Йўллар, тараққиётлар кесишга чорраҳада жойлашган юртимиз тарихида ҳар бир давр суронли, эса қоладиган бўлган. Чинакамига ер юзининг жаннати, дея таърифланган икки дарё оралиги дўстларнинг кўзини ўйнатган, душманларни куйдирган – бунга мисоллар кўп. Тасаввурларни ойдинлаштириш учун далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, бугун тафаккур аҳли яхши биладиган Альберт Нобель, унинг туғишганлари бу юрт билан жиддий қизиқишган. Маълумки, уларнинг фаолияти Санкт-Петербург шаҳри билан боғлиқ. Нобелларнинг каттаси Роберт ҳарбий қуролсозлик соҳасига қизиққан, нефть захираларини излаб топиш ва ундан фойдаланиш борасида катта ишлар қилган. У милтиққа кўндок бўладиган ёнғок дарахтини излаб, Кавказга ташриф буюради ва куёш ҳароратидан етарлича баҳраманд бўлган ёнғоклар ўрта Осиёда ўсишини эшилтади. Бу юртга қадам қўйиши давомида, табиий, ер ости бойликларидан нефть билан ҳам қизиқади...

Фарғонада “Чимён” санаторияси бор. Унинг шифобахш суви дунёда тенгсиз – одам таянч органларига катта қувват беради, уларни тиклаш хусусиятига эга. Шўро замонда шу соҳага ихтисослашган минг ўринли сихатгоҳ қурилиб, унинг йўлланмалари махсус кишиларгагина тарқатилган (табiiй, ўзимизнинг юртдошларимизга бир дона ҳам тегмаган). Шу маъдан сувининг кашф этилиши ва истифода қилиниши Роберт Нобель номи билан боғлиқ дейишади. Ҳа, бу юртнинг жозибаси кўпларнинг кўзини қамаштирган, ақлини олган. Ҳатто бадиий адабиётнинг зирҳли кўргонини тешиб ўтиб, кўплаб ёзувчиларнинг илҳомига сазовор бўлган.

Машҳур француз фантаст ёзувчиси, 66 роман, 20 қисса, 30 мингдан ортиқ катта-кичик битикларнинг муаллифи Жюль Верн 1893 йилда ёзган “Кладиус Бомбардак” асарида ўзининг хаёлий фантазияси билан бу юртни инкишоф этмокчи бўлади. Ўша йил-

туфайли бу юртга экспанция узлуксиз давом этган.

Албатта, бундай эътиборга маҳаллий хокимият, халқ оммаси етарли даражада жавоб берган. Қолаверса, бу масканлар фақат ер ости хазиналари билан эмас, илмий салоҳияти, бадиий заковати, ҳарбий қудрати билан ҳам машҳур бўлган. Биз фахрли аждодларимиз билан қайта-қайта мактанишдан чарчамаймиз. Фақат бир истисно ҳол шуки, уларнинг бой мероси ҳали тугал тадқиқ қилинган йўқ. Олайлик, Абу Райҳон Беруний ва Ҳусайн Абу Али ибн Сино фаолиятининг шундай ёрқин қирралари мавжудки, уларни эслашнинг ўзиёқ кишига оламшумул ғурур бағишлайди. Бири қомусий олим (Беруний ҳақида гап кетганда, унинг фанда шугулланган соҳасини санагандан кўра шугуллан-

тиш кўзда тутилган.

Ҳа, мақсадлар улугвор. Бунинг учун асослар ҳам етарли. Бой ўтмиш хар қандай ҳаракатга омил бағишласа, унга содиқ қолиш, изчил давом эттириш бахт-икболга мушарраф этгусидир. Бу ҳолнинг дастлабки меваларини кўриб турибмиз. Фанлар бўйича ўқувчиларнинг жаҳон олимпиадаси ташкил этилган 30-40 йилдан бери қатнашаётган, бироқ ҳали биронта медаль олишга мушарраф бўлмаган мамлакатлар бор экан. Шукроналар бўлсинки, кимё, физика, химия, математика бўйича бундай халқаро беллашувларда бизнинг вакилларимиз бир эмас, тўрт-бешталаб медаль билан қайтишяпти.

Куни кеча эса ёш шахматчиларимиз Ҳиндистонда ўзларининг заковатини намоён этиб, бутун дунёни лол қолдиришди. Мана шу ҳолнинг ўзида жуда катта ҳақиқатлар муҳассам.

Бундай ютуқлар эса кўп. Мамлакатимиз ҳаётининг хар бир соҳасида улкан бунёдкорлик ва янгиланишларга гувоҳ бўлаяпмиз. Келажагимиз эгалари бўлган ёшлар учун қилинаётган ғамхўрликнинг ўзи хар қанча таърифга сиғмайди. Қолаверса, бу борада юртимиз жаҳон жамоатчилигига ташаббус билан мурожаат этиб, энг долзарб масалардан бирига дунё эътиборини қарата олди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев нуфузли БМТ минбаридан туриб, эртанги кун учун ғамхўрлик қилиш шартлигини баралла маълум қилди. Бу ғоя ҳамма томонидан қўллаб-қувватланди ва ёшлар масалалари бўйича махсус резолюция қабул қилинди. Бу ҳол юртимиз тарихида алоҳида қайд қилинадиган воқеа бўлиб, Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг амалий ҳаракатлари билан фаолликни чинакамига намоён этапти. Юртимизда ташкил қилинаётган Президент мактаблари, иқтидорли болалар билим масканлари, мусиқа илмгоҳлари бу борада амалий қадамлар бўлди. Гап фақат ташкил этилишида эмас, балки бу мактабларда юздан бир бола танлаб олинапти, тахсил энг сўнгги жаҳон стандартлари даражасида олиб бориляпти, дунё бўйича машҳур устозлар, соҳасининг етук билимдонлари дарс ўқитишга таклиф этиляпти. Хуллас, келажагимизнинг олтин пойдевори яратилапти.

Гап таълим соҳаси ҳақида кетар экан, ўн биринчи синфларнинг қайта ташкил қилиниши билан ўрта таълимда яхлитлик ва узвийлик таъминланганлигини қайд этмаслик мумкин эмас. Мактаблар яна ўз мавкеига қайтди, унинг бағрида фарзандларимиз ҳаётга хар томонлама тайёр, баркамол кадрлар бўлиб етиштишларига имконият яратилди.

КЕЛАЖАКНИНГ ОЛТИН ПОЙДЕВОРИ

лари Кавказорти катта трансосиё магистрალი қурилган бўлиб, ёзувчининг мантиғи бўйича, у Кўкон шаҳри(!)гача етиб келмаган ва бу узиллиш Россия-Пекин магистралининг юзага келишини бузиб турибди. Жюль Верннинг қахрамони, “XIX аср” газетасининг муҳбири Кладиус Бомбардак шу маршрут бўйича йўлга чиқади ва кўрганларини кундалик тарзида акс эттиради. У Узунота (Узун-Ада) бекатидан Туркистон томон сафарини бошлаб, таассуротларини хужжатли тарзда бадиий ифодаляйди. Бу ёзувлар адибнинг тўқималари бўлиб, қандайдир даражада географик (чунки унинг ўзи географ бўлган) далилларга асосланган, асосан эса фантазия маҳсули эди. Романда Туркистон ўлкаси, бир сўз билан айтганда, олтин тўла хумча тарзида васф этилган. Тўғри, ёзувчи бу ўлкаларда бўлмаган, у ўзи бошқа асарларида бадиий акс эттирган денгиз остига ҳам тушмаган, ҳаво шарида узок муддат парвоз ҳам қилмаган, аммо унинг бадиий иқтидори ва илмга асосланган фантазияси воқеаларга жонли тус берган, кўпчилик учун сирли ва номаълум бўлган ўлка ҳақида ақлни лол қолдирадиган тарзда қизиқарли роман ёзган. Бу ерда гап асарнинг жаҳон адабиётидаги ўрни ҳақида эмас, балки улуг истеъдод сохибининг илмий фантазия асосида бу юртнинг бебаҳолигини, тенгсизлигини бадиий ҳаққоний ифодаляй олганида. Албатта, бундай асарлар, Ўрта Осиёни хар томонлама кашф этишга уринишлар кўп бўлган ва балки шу

маган соҳасини санаш осонрок дейишади), иккинчиси буюк файласуф ва ҳаким бўлган боболаримиз фанда бақамти туриб от сурганлар, дунё илмининг икки устуни бўлиб, унинг шухратини осмон қадар юксалтирганлар. Ана шу улуг устозларнинг ички олами, маънавий дунёси, ижтимоий ҳаётга муносабати, шунингдек, шахсиятини тушунишга асқатадиган ёзишмалари (ўзаро мактублари) сақланиб қолган. Таомилга асосан араб тилида ёзилган бу хатларни 18 та дейишади. Ҳа, таассуфки, биз уларнинг сонини ҳам аниқ билмаймиз. Ҳолбуки, бу бебаҳо мерос хар томонлама ўрганилиши, тадқиқ этилиши, шарҳлар ёзилиши, хуллас, бизнинг чинакам маънавий мулкимизга айланиши лозим. Бу мактубларда икки мустақил дунёқарашга эга бўлган комил инсонларнинг масалаларга ўз муносабатлари, нуқтаи назарлари ифодаланган. Шуниси борки, улар ҳамма мавзуда бир хил фикрда бўлавермаганлар. Ўрталарида кескин мунозаралар кечган нуқталар, ҳатто иззат-нафс ҳам ўртага тушган ўринлар бўлганини дастлабки тадқиқотлар кўрсатган. Хуллас, бу мерос фанимизни хар томонлама бойитади, ўз оламини яратган икки буюк даҳонинг келбатини аниқ-тиниқ тасаввур қилишга кўмаклашади. Бу ҳолга, айниқса, шу кунларда эҳтиёж янада ошган. Чунки давлат раҳбаримизнинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил қилинаётган махсус мактабларда ҳали жамоатчилик назари етиб бормаган ҳақиқатлар борасида фикр юри-

Инсон қадрини улуғлаш юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳолининг фаровон соғлом ва мутаносиб турмуш кечириши учун қулай шароит яратиш демакдир. Шу боис, мамлакатимизда фуқаролар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди.

Халқимиз билан бамаслаҳат қабул қилинган Тараққиёт стратегиясидаги 100 та мақсаддан 34 тасида айнан адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шулар орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида икки баробарга қисқартириш билан боғлиқ устувор вазифалар ўз аксини топган. Бу йўналишда белгиланган вазифалар ҳамда мамлакатимиз ривож ва халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг жойларда ижросини таъминлашни устидан доимий равишда парламент назорати олиб борилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярим йилликда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярим йилликда бажарилиши юзасидан ҳисоботида кўриш мумкинки, мамлакатимиздаги барча ислохотлар ижтимоий йўналтирилган бўлиб “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Зеро, давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида ўтган даврда 153 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Дастур доирасида адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида жами 3 миллион 434 минг фуқарони доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишларга жалб қилиш орқали бандлиги таъминланди. Меҳнат бозоридаги тенденциядан келиб чиқиб, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 437,4 минг иш билан банд бўлмаган шахсга бандлик хизматлари кўрсатилди. Меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган хотин-қизларни касбга ўқитиш билан боғлиқ харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига БХМнинг 4 баробаридан ошмаган миқдорини давлат томонидан қоплаб бериш тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жорий йилда норасмий ишлаётган 450 минг фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларнинг ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш чоралари кўрилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 774 та ташкилотда норасмий ишлаётган 2 мингга яқин фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам берилди. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 103,3 минг хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.



ҲИСОБОТ ЭМАС

амалий натижалар муҳим

Президентимиз ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз қариялар, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган фуқароларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудий “Саховат ва кўмак” жамғармаларига 43 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Биргина жорий йилнинг июнь ойида республика бўйича 94,7 минг эҳтиёжманд оиллага 5,7 минг тонна бепул ун ҳамда 10,9 миллиард сўм нақд пул тарқатилди. Бу Президентимизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллариغا эътибори ва ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир.

Ҳозирги кунда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилалар сони 2 миллион 108 мингга етган бўлса, 2022 йилнинг олти ойи давомида улар учун 987,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини юритиш мақсадида фуқароларни хорижий меҳнат миграциясига ташкиллаштирилган тарзда юборишни ташкил этиш, хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида 7197 фуқаро ташкиллаштирилган тарзда хориж давлатларига ишлаш учун юборилди.

Шунингдек, жорий йилда 28 минг 590 хорижга ишлаш учун кетиш истиаги бўлган фуқаролар, шундан 25 минг 387 нафари касбларга ва 3203 нафари касб-хунарга ва хорижий тилларга ўқитилди. 56 мингдан зиёд меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаро бандлиги таъминланди.

“Темир дафтар”га киритилган 605 мингга оила аъзолари касб-хунарга ўқитилгани, тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашилгани туфайли оилавий шароити яхшиланиб, дафтардан чиқарилди. Ушбу дафтарга киритилган оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиш чоралари кўрил-

ди. Жумладан, 95,4 минг фуқаро доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 34,7 минг фуқаро тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Мамлакатимизда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилди. Масалан, “Нуроний”

вақтни бола парвариши давридаги иш стажига кўшиб ҳисоблаш даврини узайтириш, шунингдек, пенсионерларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш, пенсиялар миқдори билан иш ҳақи ўртасидаги тафовутни камайтириш, пенсия олувчи фуқароларнинг моддий таъминотини янада кучайтириш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

жамғармаси маблағларининг амалда ўзлаштирилишига қараб давлат бюджетидан ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилади. 2022 йил апрель ойидан бошлаб “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўзгалар парваришига муҳтож ва ёлғиз яшайдиган кексаларни ҳар йили бир мартаба санаторийда бепул соғломлаштириш белгиланди.

Пенсия тайинлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар ахборот тизимларидан электрон шаклда олиш орқали қоғоз шаклида ҳужжат талаб этиш амалиёти босқичма-босқич бекор қилинмоқда. Бу ортиқча овозгарчиликнинг олдини олади. Зеро, 2021-2022 йиллар давомида пенсия тайинлашда 11 турдаги маълумотларни фуқаролардан талаб қилиш ҳақидаги қоида бекор қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга пенсия ва нафақа олувчи фуқароларга қулайликлар яратиш, айрим масалалар ечимига қаратилган икки марта ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши мазкур масалага давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани ифодасидир.

Жумладан, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга киритилаётган ўзгартиш ва кўшимчаларга асосан, марҳумнинг қарамоғидаги фарзандларига 18 ёшгача (олдин 16 ёшгача), агар умумий ўрта таълим муассасаси, академик лицей ва олий таълим муассасасида ўқиётган бўлса 23 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўланиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, болалиқдан ногиронлиги бўлганларга 18 ёшгача (олдин 16 ёшгача) қараган даврини иш стажига кўшиб ҳисобланиши, болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтини ҳаммасини жамлаганда 6 йиллик (олдин кўпи билан 3 йиллик) даврини иш стажига кўшиб ҳисоблаш ҳамда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача иш ҳақининг максимал миқдорини пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробаридан 12 баробаригача ошириш назарда тутилган.

Бу, ўз навбатида, етим болаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш, болалиқдан ногиронлиги бўлган болаларга қараб турилган

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва кўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётини ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган кўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилади.

Хусусан, кам таъминланган оилалардаги болаларни парваришлаш учун тўланадиган нафақа қамрови кенгайиб, нафақа тайинлашда инобатга олинмаган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилди. Ишсизлик нафақаларининг энг кам миқдорлари 3,2 бараварга оширилган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 20 дан ортиқ янги инструментлар жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”-ги фармони аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Зеро, мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Шунингдек, Молия вазирлиги таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди. Энди ушбу жамғарма ҳисобидан 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ижтимоий суғуртаси бўйича минимал истеъмол харажатларидан келиб чиқиб ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўланади.

Бир сўз билан айтганда, давлат дастурида белгиланган вазифалар қўламини ниҳоятда кенг. Шу жиҳатдан, унинг ҳар бир бандида белгиланган вазифалар ўз вақтида сифатли бажарилиши ғоят муҳим. Зотан, дастурдан асосий мақсад қоғоз ёки ҳисобот эмас, балки амалий натижаларга эришиш, одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилишдан иборат.

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

(Боши 1-саҳифада)

Энди мактаб битирувчиларининг 20, 30 фоизини, якин келажакда эса ярмини ва ундан кўпини олий таълимга жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Квоталар кейинги 3-4 йилда кескин ошди. Янги институт ва университетлар ташкил этилмоқда, хорижнинг энг нуфузли билим даргоҳларининг филиаллари очилмоқда. Ўз истеъдоди ва салоҳияти жиҳатидан ҳар қандай тенгдошлари билан беллашишга қодир фарзандларимиз на фақат республикамиз тараққиётида, балки дунё ҳамжамиятининг нуфузли ташкилотларида муваффақиятли фаолият кўрсатадиган кунлар остонада турибди. Шунда дунё аҳли ажодларига муносиб иқтидорлиларни кўриб, мустақил Ўзбекистоннинг салоҳиятига яна тасанно айтадилар. Бугунги саъй-ҳаратлар шундай парвозларга замин яратмоқда.

Албатта, тўйлар, шодлик кунлари арафасида ёруғ лаҳзаларни эслаш, ютуқлар ҳақида гапириш халқимизга хос удум. Қурилишлар, улкан бунёдкорликлар алоҳида мавзу, улар ҳақида соатлаб гапириш мумкин, чунки улкан ишлар амалга ошириляпти. Кичкина унсур – қарийб уч минг йиллик тарихга эга пойтахтимизда ўттиз тўрт қаватли бинонинг пайдо бўлиши марра нечоғлик баланд олинганининг рамзи эмасми? Ўз замонида ҳам эътиборни тортига мухташам бинолар кўп бўлган, улар даврининг удумидан келиб чиқиб, ўзгача кадрият кашф этган. Жумладан, бинолар пештоқлари, деворлари, устунларида дурдона фикрлар нақш этилган эди. Китобат санъатининг бу нодирликлари ҳам махсус тадқиқ қилинди ва ўттиз жилдди альбом шаклида нашр этилди. Бу мухташам асарларни кўрган дунё илм аҳли бир томондан бой тарихимизга таҳсин айтди, иккинчи томондан эса нашр учун мамнунликларини изҳор қилишди. Ҳозиргача бундай юмуш бажарилмаган эди.

Ўтмиш кадриятларимизга, бой меросимизга чуқур ҳурмат ва эътиборнинг рамзи сифатида бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази эса нафақат меъморий ечими, балки бажарадиган вазифалари жиҳатидан дунёда тенгсиз бўлиши кутиляпти. Ростдан, араб дунёсида пайдо бўлган ва бизнинг заминимизда шарҳи ёзилган ислом дини хазиналарини ҳар томонлама тадқиқ қиладиган марказнинг пойтахтимизда ташкил қилиниши ҳам муътабар боболаримизга чуқур ҳурмат рамзи, ҳам уларнинг содиқ ва муносиб издошлари борлигининг намоёишидир. Худо хоҳласа, Ислом цивилизацияси маркази юртимизда илм-фан, умуман, ижтимоий ҳаёт тараққиётининг янги олтин даври бошланганининг рамзи бўлади.

Хуллас, жиловни эркин қўйиб, ютуқларни санайверсак, саҳифалар етмайди. Буларнинг ҳаммаси шу юртнинг бир фарзанди сифатида калбимизда тоғдек ифтихор кўзгайди. Тўғри, ҳаётнинг ўз ўжар қонунлари бор, уларни четлаб ўтиб бўлмайди. Қолаверса, тезлик қанча кучайса, қаршилик ҳам шунча ортади – бу энг оддий қоида. Қутилмаган қийинчиликлар, зиддиятларга қарамай, шундай оламшумул ютуқларга эришилдики, бу натижалар ҳар қандай юрт тарихини безайди. Демак, йиллар беҳуда ўтмабди!

Мухтасар қилиб, бир жайдари гапга ўрин бор деб ўйлаймиз: бир хонадонда укаси яна ҳозирги қийинчиликлардан нолиб, гап бошлаган экан, яқинда касалдан қутилиб, шифокорларни дуо қилиб турган акаси шартта шундай дебди: “Эй, бас кил! Куёш чиқиб турибдими, шу сенга яшаш учун имконият. Яхши бўлсанг, яхши яшайсан, ёмон бўлсанг, ёмон яшайсан. Тамом!” Яратган ҳам бандаларига ниятига, саъй-ҳаракатига, феъл-атворида қараб ризқ беради, деган гап ҳам беҳуда айтилмаган. Куёш порлаб турибдими, демак, ҳаёт давом этаверади.

Ҳаким САТТОРИЙ.

ЭЗГУЛИК ТАНТАНАСИ

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим ҳужжат — “Ўзбекистон Республикасининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Миллий мустақиллигимиз эл-юртимиз учун жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш, шунингдек, ҳаётнинг турли соҳа тармоқларида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиш, эришаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий пойдевори бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда барча мамлакатларда коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, кескин қарама-қаршилик ва зиддиятлар туфайли юзага келган ғоят оғир ва мураккаб вазиятда мард ва олижаноб халқимиз билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва жаҳонга тараннум қилиш бўйича муҳим натижаларни қўлга киритаётганлигимиз, бу ютуқлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётганлиги, энг асосийси халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгариб, ислохотлар самарасини кундалик ҳаётида ҳис қилиб яшаётганлиги алоҳида эътирофга лойиқ.

Жорий йилда бўлиб ўтадиган мустақиллик байрами “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғояни ўзида мужассам этиши, ўйлайманки, ҳар бир инсонга ўзгача куч ва ғурур, ифтихор бағишлайди. Қарор билан Республика комиссияси тузилди. Мустақиллик

байрами Қорақолпоғистон Республикаси, мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларида, кишлоқларида, овулларида юқори даражада ўтказилишини таъминлаш ва уларга кенг жамоатчиликни жалб этиш белгилаб берилди.

Бундан ташқари байрам арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга, кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳамда қўмакка муҳтож бўлган инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ ҳайрия тадбирлари амалга оширилади.

Юртимизда бу каби қилинаётган эзгу ишлар замирида инсон кадри янада юксалаётганлиги ва уларнинг кадри ва қадди кўтарилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мустақиллик — буюк неъмат. Уни асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир!

Ислохотлар шиддат билан кетаётган юртда ишлаш ва яшаш янада ёқимли ва тотли. Катта йўлда қарвонбоши бўлиб кетаётган юртбошимиз изидан кетаётганлигимиз бизга катта куч ва ғурур, ифтихор бағишлайди.

Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — УСТУВОР ВАЗИФА

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи ҳисобланган Асосий Қонунимиз фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаб, жамиятимизни демократик асосларда ривожлантириш, давлатимизнинг тараққий эттиришга хизмат қилиб келмоқда.

Шу билан бирга кейинги йилларда Янги Ўзбекистонни шакллантириш ва янада жадал суръатларда юксалтириш Конституциямизнинг давр талабларига жавобан янада такомиллаштириш заруратини туғдирди. Шу кунларда Асосий Қонунимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан жуда кўп таклифлар келиб тушмоқда.

Инсон ҳуқуқлари замонавий давлатнинг конституциясида марказий ўринни эгаллайди ҳамда жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни белгилайди. Шу боис, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормалар замонавий Конституция лойиҳасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Конституцияни такомиллаштиришда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи асосий ўринни эгаллаши лозим”.

Инсон ҳуқуқлари ва демократик конституциявий тузум ўртасидаги боғлиқлик Конституция қабул қилинишига ёки конституциявий ислохотга олиб келадиган жараёндан бошланади. Таъкидлаш лозимки, юртимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларда давлат ва жамиятнинг барча вакиллари иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Фуқаролар ҳам ўз сиёсий фаолликларини намоёиш этиб, Конституцияни такомиллаштириш бўйича Конституциявий комиссияга 62 мингдан ортиқ таклифлар билдиришди.

Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи юзасидан давлат органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, олий таълим муассалари ҳамда илмий тадқиқот институтлари томонидан мунтазам тадбирлар ўтказилмоқда.

1992 йилги Конституциямизнинг II бўлимида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари рўйхати келтирилган бўлиб, унга бир нечта янги норма ва қоидалар қўшилган. Бу орқали инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатларини сезиларли даражада мустаҳкамланган. Хусусан, Конституциянинг 24-моддасида ўлим жазоси тақиқланишини белгилаш орқали Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга иккинчи Факултатив протоколнинг қоидалари Конституцияга имплементация қилинган.

“Хабеас корпус” институти конституциявий даражада қафолатланмоқда, яъни ушлаб туриш, қамоққа олиш ва қамоқда сақлашда ёки озодликни бошқача тарзда чеклашга фақат суд қарори билан йўл қўйила-

ди, шахс суд қарор қабул қилмагунча 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.

Шунингдек, айбсизлик презумпцияси конституциявий принципга айланмоқда, яъни айбдорлик ҳақидаги барча шубҳалар, агар уларни йўқ қилиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи фойдасига хал қилиниши керак. Шунингдек, 25 ва 26-модданинг қолган қисмлари янги қоидалар билан тўлдирилган. Яъни, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниши, ўзига қарши кўрсатма берган гувоҳлар билан юзлаштирилиши, ўз фойдасига кўрсатма бераётган гувоҳларнинг чақиртириши ёки давлат органларининг ноқонуний ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни қопланиши ва бошқалар.

Кенг жамоатчилик таклифлари асосида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги ҳамда шахсга ҳибсга олиш чоғида унинг ҳибсга олиниши сабаблари у тушунадиган тилда тушунтирилиши лозимлиги белгиланиши орқали Миранда қоидалари ҳам конституциявий мақомга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг IX бобида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар билан бир қаторда маданий ва экологик ҳуқуқларини ҳам қафолатлаш тўғрисидаги қоидалар таклиф қилинмоқда, яъни IX бобнинг номланиши “Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлар” деб ўзгартирилган. Шунингдек, мазкур бобда соғлом атроф-муҳитда яшаш ва у ҳақида ишончли маълумотларни олиш ва экологик ҳуқуқбузарликлар натижасида уларнинг соғлиғи ва мулкига етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи ҳам алоҳида моддада қафолатланган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу янги нормалар барчамизни ҳуқуқ ва эркинликларимизни ҳимоя қилишни янги босқичга олиб чиқади. Конституциявий ислохотларнинг муваффақияти фуқароларнинг манфаатлари инобатга олинганлиги ҳамда улар томонидан қўллаб-қувватланишига боғлиқдир. Шу боис, Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қафолатланиши катта аҳамиятга эга бўлиб, барчамиз ушбу ташаббусларни қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Файзулло МҲЙДИНОВ,
Андижон вилояти
Пахтаобод тумани Адлия бўлими
бош маслаҳатчиси

66 йиллик умрининг 15 йилини қамокда ўтказган бу аёлнинг ягона “айби” 1922-1928 йилларда Германияда таҳсил олгани эди. Марям Султонмуродова Германияда ўқиган, Европа дипломини Ўзбекистонга олиб келган биринчи ҳамшира. Шунингдек, у 1930 йилларда юртимиздаги таниқли журналистлардан бири бўлган. Хўш, ҳамшира, журналист аёлнинг ҳаёти нега бундай аянчли ва машаққати кечди?

Марям 1905 йили Урганч яқинидаги Чандиркиёт қишлоғида туғилган. Отаси Жуманиёз Султонмуродов қишлоқдан Урганч шаҳрига иш излаб боради ва Чернигов деган бойнинг пахта тозалаш заводида 1916 йилгача ишлайди, ўша йили чор мустамлакачилигига қарши бўлиб ўтган халқ кўзғолонида фаол қатнашади. Февраль-март ойларида генерал Галкиннинг Тошкентдан келган 6000 кишилиқ қўшини кўзғолонни аёвсиз бостиргач, Жуманиёз қочишга мажбур бўлади. Бир муддат қорақалпоқлар орасида ва Тошкентда муҳожирликда юради. 1916-1920 йилларда эса Хива хони ва мустамлакачиларга қарши бўлган “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг фаоллари Полёзхожи Юсупов, Бобоохун Салимов билан танишади ва биргаликда истибдодга қарши курашади.

1920 йили февралда большевиклар мададига таянган “Ёш хиваликлар” Хива хонлигини тугатиб, Хоразм Халқ Республикасини ташкил этишади. Янги ташкил топган республиканинг муваққат ҳукумат раиси этиб ташкилотчи ва жасур инсон Жуманиёз Султонмуродов тайинланади.

Ана шундай фидойи инсоннинг қизи бўлган Марям бу пайтда вояга етиб отаси таъсирида тараққиётга интилади. Отаси муҳожирликда юрган пайтда Тўртқўл ва Тошкент мактабларида ўқиган Марям 1920-1921 йилларда Оренбургга бориб педагогика институтида таҳсил олади. 1922 йилда эса туркистонлик бошқа ёшлар каби илм-фан сирларини ўрганиш учун Германияга кетади.

Марямга эса 6 йил давомида хорижда ўқиш осон кечмаган. Эрттой тахаллусли шахсининг “Туркистон” газетасининг 1924 йил 2 сентябрь сониди эълон қилинган мақоласида бу тўғрида шундай ёзилади: “Ораимизда Марямхон, Хайринисо, Саидахон отлик ўқиш учун мамлакатимиздаги тўсиқларга қарши Оврўпага отланган фидойи кизларимиз ҳам бор. Уларнинг ўқишлари яхши. Бироқ хивалик Марямхон моддий томондан яхши таъмин қилинмагани учун йўлларида кўп чатоқликлар кўради. Чиндан ҳаёт хотини бўлмоқ ва Туркистонда қолган опа-сингилларимизнинг истиқболи учун ҳеч ким кўрсатмас қаҳрамонлик қилиб келган қимматлик қизимизга Хоразм жумҳуриятимизнинг шундай совуққонлик билан қарашига Туркистон ёшлари таассуф этаолмай тура олмайдулар”.

Бироқ, ана шундай қийин шароитда ҳам у 1922-1926 йилларда Берлин ва Дармштат шаҳарларидаги ўқувчилар семинарийсида ўқиб билим олади. 1926-1927 йилларда эса Берлин мактабларида амалий машғулотларни ўтайди. 1927-1928 йилларда Берлиндаги профессор Финкельштейн номидаги касалхона қошида тиббий ҳамширалар тайёрлаш курсида ўқийди.

1928 йилда ватанига қайтган Марям Султонмуродова бир муддат республика соғлиқни сақлаш комиссарлигининг болалик ва оналикни асраш институтида ҳамшира, сўнгра Ўрта Осиё давлат университетида бўлим мудири, “Ёрқин турмуш” (“Саодат”) журналида адабий ходим бўлиб ишлайди. Унинг, айниқса, матбуотда ишлаган даврида фаоллиги ошиб, қатор ҳикоя ва очерклар ёзади, рус ва немис адабиётидан таржималар қилади.

1929 йил охирларида Аскар Аҳмадбеков билан оила қуриб, эри қамалгунча бахтли ҳаёт кечиради. Эри қамалгач эса у ҳам турли зарбаларга учрайди. Аксилинкилобий гуруҳ аъзосининг хотини сифатида ишдан ҳайдалади.

Шундан сўнг “Ёрқин турмуш” журналидаги фаолияти давомида танишган ёш журналист Даврон Мадамин билан оила қуради ва бахтли ҳаёт кечира бошлайди. Афсуски, бу гал унинг ўзи қатағон даврининг зарбаларига учрайди.



1937 йил 13 сентябрда у аксилинкилобий фаолиятда айбланиб, Тошкентда ҳибсга олинади. Унга Германияда таҳсил олган даврида “Озод Туркистон” деган жосуслик ташкилотига аъзо бўлганлик айби кўйилади.

Маълумки, бу пайтда Германияда таҳсил олган Саттор Жаббор, Солиҳ Мухаммад, Абдувоҳид Муродий, Хайринисо Мажидхонова ва бошқа кўплаб ёшлар ҳам ҳибсга олинган, айримлари отиб ташланганди.

Марям Султонмуродова бу вақтда 32 ёшда бўлиб, етти ёшли Пўлат исми ўғли ва Анор исми эмизикли чакалоғи бор эди.

1938 йил 9 октябрь куни Тошкент шаҳрида Олий суднинг ҳарбий ҳайъати сайёр сессияси ёпиқ суд мажлисида уни жиноят процессуал мажмуасининг 14-54 ва 67-моддалари билан айблаш бўйича иш кўрилиб, мазкур мажмуанинг 128 ва 131 моддаларига биноан М.Султонмуродовага 10 йил қамок жазоси тайинланиб, 5 йил муддатга сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилади.

У шу тариқа эмизикли боласи Анора билан то 1947 йил 13 сентябрига қадар Қозон, Суздаль қамокхоналарида, кейин НКВДнинг Колимадаги Дальстрой лагериди жазони ўтайди. Айтиш мумкинки, ана шу 10 йиллик қамок азоблари Марямдек матонатли, бардошли аёлни тақдир синовларидан ўтишга мажбур қилди.

Марям табиатидаги матонат унга онасидан ўтган дейиш мумкин. Негаки, онаси Дуржон ая қизининг ҳибсга олинганидан зорланиб, невараси Пўлатжон билан кексалик азоб-укубатларини бошдан кечирди. Шунингдек, 1910 йилда туғилган қизи Гулчехранинг ҳам эри қатағон жабрдийдаси бўлган. Гулчехранинг эри – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг биринчи раиси, таниқли адабиётшунос Раҳмат Мажидий (1906-1983) ҳам икки марта, жами 14 йиллик умрини қамокхоналарда ўтказди. Шу боис Раҳмат Мажидий ва Гулчехранинг кизлари Ойдин,

Ширин ва Бўстон ҳам Дуржон ая қарамоғида Чандиркиёт қишлоғида ҳаёт кечирди.

Нихоят, 1947 йил муддатни ўтаб Марям Хоразмга, ўз қишлоғида қайтади. Лекин орадан кўп ўтмай, аниқроғи, 1949 йил 29 мартда яна ҳибсга олинади. Уни қамокка олиш ҳақидаги қарорда бундай дейилади: “М.Султонмуродова 1922-28 йилларда Германияда ўқишда бўлганида таниқли миллатчи муҳожирлар йўлбошчиси Мустафо Чўқай ва Олимжон Идрисийлар томонидан тузилган ва раҳнамолик қилинган миллатчи жосуслар ташкилоти бўлган “Озод Туркистон” ташкилоти аъзоси бўлган. 1927 йил Султонмуродова советларга қарши миллатчилик фаолияти учун ҳукм қилинган ва отиб ташланган Хайринисо Мажидхонова билан бирга Берлиндан Парижга борган ва у ерда ашаддий миллатчилар

аллақандай Энгланц номли профессор орқали жосуслик ишларини олиб борганликда айбландилар. Бу тўхмат. Мен ҳеч қачон бундай одам билан таниш бўлмаганман. Шундай одамнинг борлигини ҳам биринчи бор теғовчидан эшитдим..

Мен душманга қандай маълумот бердим ва у қандай амалга оширилди? Бундай айбнинг тасдиғи учун бирорта фактик далил ва гувоҳлар кўрсатилмади. Менга нисбатан сохта гувоҳлик берган одам билан эса юзма-юз қилишни рад этишди. Шунинг ўзи менга қўйилган айбнинг ёлғон ва сохталигини кўрсатиб турибди..”

Ҳа, гарчи, у 1954 йил жазо муддатини ўтаб қайтган бўлса-да айби йўқлиги учун “халқ душмани” таъғиси олиб ташланишини истарди.

Шундан сўнг унинг иши олий суд ҳарбий ҳайъати томонидан кўриб чиқи-

МАТОНАТЛИ МАРЯМ

Мустафо Чўқай ва Аҳмад Нойимлар билан учрашувда бўлган. Баён этилганларга асосланиб, Урганч райони Янгибозор қишлоқ шўросида ишлаб ва яшаб турган Марям Султонмуродова ҳибсга олинсин ва уйи тинтув қилинсин”.

Хуллас, у яна миллатчилар билан учрашганлик ва жосусликда айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилади ва Красноярскдаги қамокхонага жўнатилади.

Юрак хасталигига, пневмосклерозга йўлиққан Марям шу тариқа яна беш йил, яъни 1954 йилга қадар ватани ва болалари дийдорига тўймай маҳкумлиқ азобини тартади. У 1957 йилнинг 10 майида бош прокуратурага йўллаган хатида ўзига қўйилган айбларни асоссиз дея ҳисоблаб рад қилади:

“Мени айблашларича, гўё мен Берлинда бўлган вақтимда “Озод Туркистон” аксилинкилобий жосуслик ташкилоти аъзоси бўлиб, шу ташкилотнинг топшириғи билан Германия фойдасига жосуслик ишлари олиб борган эмишман. Мен ҳеч қачон бирорта аксилинкилобий ташкилотнинг аъзоси бўлган эмасман. “Озод Туркистон” деган ташкилотнинг борлигини мен биринчи бор теғов вақтидагина эшитдим.

Менинг билишимча, 1922 йил Бухоро ва Туркистон жумҳуриятларидан 60 га яқин киши Германияга ўқишга юборилган эди. Ўша йилнинг кузида Хоразм раҳбарлари қарори билан мен ҳам шу сафга қўшилдим. Менга энди бизнинг олдимизда Европа фан-техникасини қувиб етиш ва ўзиб кетиш вазифаси турганлигини айтишганларидан кейин мен у ерда ўқишга розилик берган эдим.

1922 йилдан то 1924 йил бошларигача Берлинда бўлдим, кейин Дармштатга ўқишга кетдим. Шунинг учун мен ўзимнинг талабаларимиз билан кам муносабатда бўлдим ва кўплари билан шахсан таниш ҳам эмас эдим. Менга ўша вақтларда мазкур талабаларни “Туркистон талабалари жамяти” номли ҳамюртлар жамяти бирлаштириб туришини билардим. Бу юртдошлик мазмунидаги очик ташкилот бўлиб, унинг фаолияти давлатимизнинг воситачилиги билан боғланган эди. Кейинчалик бу уюшмани Германиядаги бутун Советлар Иттифоқи талабалари уюшмаси билан бирлаштиридилар. Бундан бошқа яна қандай талабалари уюшмаси бўлганлиги менга сира маълум эмас.

Мени Тошкентга келган вақтимда

либ, 1957 йил 2 августда унга қўйилган барча айблар бекор қилинади. Элига хорижда илм олиб қайтган, юртга фойдам теғсин, ўлкам истиқболига хизмат қилайин деган аёлнинг умри 15 йил қамокхоналарда азобда ўтади. Нихоят, Марям қишлоғида ҳамширалик қила бошлайди.

Бундай қараганда, у қишлоғига қайтиб тинчгина ҳамширалик қилгандек. Аммо М.Султонмуродова қамокхонадан озод этилган бўлса-да, таъқиблар давом этарди.

У журналист ҳам бўлиб ишлагани учун ўша ситамли йилларда кечирган дардларини фақатгина қоғозгагина тўқиб солганди:

“Жоним азобда қолди. Юрагимни очиб сўзлайдиган кимсам йўқ... Қалбимни қоғозга тўқиб солмоқчиман. Шу ниятда қўлимга қалам олдим. Меним виждоним пок эди. Мен берилиб, виждон билан меҳнат қилардим. Аммо, ҳеч қачон жиноят қилмаган эсамда, мени яна қамокхонага ташладилар. О, қанчалар азобда қолганимни билсалар эди..”

... Менга болаликдан, виждонли инсон халқи ва давлати дардига малҳам бўлмоғи керак, деб ўргатишарди. У ўз ватанининг ижтимоий ҳаёти билан қизиқмоғи, ҳукуматнинг мақсади ва вазифалари нимадан иборатлигини билмоғи керак, дейишарди. Акс ҳолда, у юртининг ҳақиқий фуқароси бўлолмайди. Матбуот – ижтимоий ҳаёт мактабидир! Матбуот – кишиларни олға ундовчи байроқ!..”

Ҳа, Марям Султонмуродованинг умри ана шундай таъқиблар, тазйиқлар билан ўтди. Бироқ шунга қарамай, у журналист сифатида кўплаб мақола ва очерклар ёзди. “Меҳр кўзда”, “Қутлимаган бахт”, “Қалбим нидоси”, “Раҳмат десиналар”, “Мажнунтол”, “Қарвонлар келганда”, “Бетамиз йигит” сарлавҳали хикоя, лавҳа, очерклари муаллифнинг иқтидоридан дарак беради. Агарда Марям Султонмуродова 15 йил ноҳақдан қатағон даври жабрини тортмаганида бундан кўплаб, юксак савияли асарлар битган бўларди.

Марям Султонмуродова илму маърифат фидойиси, иқтидорли журналист, меҳрли ҳамшира, матонатли аёл сифатида тарихда қолди. У 1971 йилда вафот этган ва Урганч туманининг Чандиркиёт қишлоғидаги қабристонга дафн этилган. Унинг Марям исми невараси бувисининг шифокорлик касбини давом эттирмоқда.

Умид БЕКМУҲАММАД,
журналист

МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОШМОҚДА

Эътироф этиш керак, мамлакатимизда тиббиётнинг ривожланиши, ходимларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши борасида ҳозирга қадар бу даражадаги ижобий ўзгаришлар қузатилмаган эди. Жорий йилнинг кўкламида Президент Шавкат Мирзиёевнинг шифокорлар билан очик ўтказган мулоқотдаги фикрлари шундай дейишимизга тўлиқ асос бўла олади. Ҳаммамиз эшитдик, кўрдик, матбуот орқали хабардор бўлдик. Президентимиз бундан буён тиббиёт ходимларининг қай тарика рағбатлантирилиши ҳақида маълум қилди.

Очик мулоқот юзасидан белгиланган тўртинчи йўналишдаги чора-тадбирлар бевосита тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ.

Бу борада энг аввало, соғлиқни сақлаш ходимларини моддий рағбатлантиришнинг янада кучайтирилиши аниқ кўрсатиб берилгани қувончлидир.

Маълумки, мамлакатимизда бюджет ходимларининг маоши ҳар йили оширилиб борилапти. Тиббиёт соҳаси эса бюджетнинг ажралмас қисмларидан бири. Президентимиз бу йил ҳам улар қаторида тиббиёт ходимларининг ойлик мао-

лида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг аксари тажрибали мутахассислар. Шу пайтга қадар ҳар бир олий тоифали шифокор 4 миллион сўм атрофида маош оларди. Эндиги ҳисоб-китоблар иш ҳақининг ошиши ва янги устамалар ҳисобига у 8-9 миллион сўм маош олшини кўрсатади.

Туманимиз марказидан олиш қишлоқлардаги тиббиёт муассасаларида олий маълумотли врачларга ҳам, ўрта тиббиёт ходимига ҳам етарли шароит яратилган дея олмаймиз. Айрим оилавий поликлиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари, КТМПга қарашли ху-

аксари шифохоналаримизда даволанаётган ёки шифо истаб келаётганлар бўлишади. Бир куни шундай беморлардан бири тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида сўраб қолди. Мен эринмасдан бирма-бир гапириб бердим. Президентимизнинг яқинда тиббиёт ходимлари билан очик мулоқот ўтказгани, шу асосда тизимда қутилаётган ўзгаришлар тўғрисида айтдим. Шундан сўнг ўша бемор тиббиётдаги бир қанча ўзгаришлардан хабардорлигини айтиб, ҳукуматимиздан, Президентимиздан розилигини айтди.

Бу беморнинг сўзларини эшитиб, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли муассасалардаги ўзгаришлар, беморларга яратилаётган қулай шароитлар ҳақида ўйладим. Марказий касалхона ҳамда қишлоқлардаги тиббиёт муассасаларидаги янги қурилишларни, уларнинг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланишини кўз олдимга келтирдим. Жумладан, марказий

интернет тармоғига уланган. Туман аҳолиси тўлиқ тиббий хатловдан ўтказилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг xatlov.uz ҳамда коронавирус касаллигига қарши эмланадиган контингент emlash.uz дастурларига киритилган.

Очик мулоқот юзасидан тиббиёт бирлашмасида амалга оширилиши лозим бўлган чора ва тадбирларни белгилаб олдик. Бугун эса уларни босқичма-босқич бажаришга киришдик. Уларнинг ҳаммаси муҳим, ҳаммаси аҳамиятли. Масалан, “Соғлом ҳаёт сари 5000 қадам” шиори остида юриш марафони ўтказилди. Туман аҳолиси ўртасида саломатлик тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишларини бошлаб юбордик. Тумандаги маҳаллаларда ортиқча вазндан халос бўлиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя этиш, жисмоний фаолликни ошириш, зарарли одатлардан воз кечиш ва бундай одатлар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган юрак, қон томир касалликлари, қандли диабет, онкология каби хасталикларнинг олдини олиш бўйича ташвиқот, тушунтириш ишларини бажаришга киришдик.

Президентимизнинг соғлиқни сақлаш вакиллари билан ўтказган очик мулоқоти асосида узоқ муддатгагина эмас, яқин вақтда бажарилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан чора-тадбирлар белгиладик. Масалан, ҳар бир ойда амалга оширилаётган ишлар бўйича “Йўл харитаси”ни тузиб чиқдик. Уни туман ҳокими тасдиғидан ўтказдик.

Белгиланган чора-тадбирлар асосида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида болаларга манзилли ва малакали тиббий хизматлар кўрсатиш, тажрибали шифокорларга тиббий фаолият билан шуғулланиш учун қўшимча шароитлар яратилди. Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қўламини янада кенгайтириш, умуман, туманда касалликларнинг олдини олиш, беморларга ташхис қўйиш ва даволаш сифатини яхшилашга эътибор оширилмоқда.

Айтиш керак, Президентимизнинг соҳа вакиллари билан ўтказган очик мулоқоти асосида бажарилиши лозим бўлган ишлар қўламини кенг. Бу мулоқот зиммамизга қанчалик масъулият юклаган бўлса, бизга шу даражада имкониятлар яратди, имтиёзлар берди, шифокор кадрини, обрўсини оширди.

Манзура АСРОРОВА,
Каттақўрғон туман тиббиёт
бирлашмаси бошлиғи.



ши оширилиши режалаштирилганлиги ҳақида айтди. Шу билан бирга, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатларини янада рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг 1 июнидан тиббиёт ходимларининг ойлик иш ҳақи малака ва тоифасига қараб яна 15 фоизга оширилиши ҳам ушбу мулоқотда алоҳида таъкидланганди.

Технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокорларга яна 25 фоиз устама тўланишининг жорий этилиши, алоҳида натижага эришган, ҳалол ва виждонан ишлаган шифокор ва ҳамшираларга 100 фоизгача ойлик устамалар белгиланиши тиббиёт ходимларининг меҳнатига бериладиган муносиб баҳо бўлди. Янги иш бошлаган шифокорларга эса 1 миллион сўмгача махсус ойлик устама тўлаш тартибининг жорий этилиши ёш кадрларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишидан далолатдир.

Туман аҳолиси саломатлиги йў-

дудларда бир қатор мутахассисликлар бўйича кадрлар етишмаслигининг сабаби ҳам шунда. Масалан, айни пайтда бир қатор тиббиёт муассасаларида умумий амалиёт шифокорлари, акушер-гинеколог, жарроҳ, стоматолог, эндокринолог, невропатолог, кардиолог каби мутахассисликларга эҳтиёж бор.

Бу каби муаммолар ҳақида гап кетганда, айрим тиббиёт муассасаларида ишлаш учун етарли шароит яратилмагани, тиббиёт ходимлари ойлик маошининг пастлиги, уларнинг моддий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилмаётгани ёдга олинади, уларда ишнинг юришмаётганига асосий сабаб қилиб кўрсатилади. Энди эса бундай муаммолар ўз ечимини топапти. Сабаби, инсон ва унинг меҳнати қадрланган жойда ҳамisha мақсадга эришилади.

Иш юзасидан турли ёшдаги, турли соҳа эгалари билан суҳбатлашишга тўғри келади. Уларнинг

шифохона бўлимлари замонавий рақамли портатив рентген, УТТ, сунъий нафас бериш, наркоз аппаратлари, кислород концентраторлари каби замонавий тиббий жиҳозлар, жарроҳлик ва гинекологик операцион тўпламлар билан таъминланди. Замонавий реабилитация бўлими ташкил этилди, унинг фаолиятдан аҳоли хурсанд бўлди.

Туман қишлоқларидаги мавжуд оилавий поликлиника ва оилавий шифокорлик пунктларида аҳолига малакали стационар ва бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилапти. Оилавий поликлиникаларда аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш имкониятлари яратилди. Оилавий шифокорлик пунктидаги патронаж ҳамширалар аҳоли саломатлигини сақлаш борасида жонқурлик қилишмоқда.

Туман ҳудудидаги оилавий поликлиника ва барча оилавий шифокор пунктлари замонавий компьютерлар билан таъминланиб,

САМИМИЯТ ОДАМЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Фаргона вилоятида мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими томонидан Сўх туманида шундай тадбир кўтаринки руҳда ташкил этилди. Унда Маънавият ва маърифат маркази ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар, тарғиботчилар иштирок этди.

Азалдан пурвиқор тоғлари-ю бетакрор ва фусункор табиати, меҳнаткаш ва меҳмондўст одамлари, шеърятга, адабиётга иштиёқи баланд ижодкор-

лик, кейинги йилларда “Инсон кадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, Сўх туманида олиб борилаётган бунёдкорлик



лари билан доврўқ қозонган сўхликлар меҳмонларни тантанали тарзда кутиб олди. Эътиборлиси, мазкур тадбирни нафақат ҳокимият ва масъул идоралар вакиллари, ўқувчи ёшлар, фаол хотин-қизлар, фермер ва тадбиркорлар, боғбон деҳқонлар, кўйинги, барча соҳа вакиллари интиқлик билан қутган экан. Зеро, юртимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, ватан равнаки ва тараққиёти учун хизмат қилиш, унга озгина бўлса-да ўз хиссасини қўшиш бугун ҳар бир сўхлик қалбидаги улғувор туйғуга айланган.

Дастлаб бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурилди. Туман маданият бўлими хонандалари ижросидаги дилтортар куй-қўшиқлар, ижодкор ўқувчилар томонидан айтилган Ватан, истиқлол ҳақидаги шеърлар барчага юқори кайфият улашди. Тадбирда сўз олганлар буюк истиқлолимиз тақдим этган тенгсиз неъмат – тинчлик ва хотиржам-

ишлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғояларининг фуқаролар қалбида юз кўрсатаётган ғунчалари, юрт ишига камарбаста бўлиб келаётган сўхлик фидойи инсонлар ташаббуслари борасида сўз борди.

Айниқса, туман ҳокими Сайидбахром Сайидмусаевнинг барчани истиқлол байрами билан қутлаб, севимли шоирлар сатрларини ёддан ўқиб бергани тадбир иштирокчиларини хайратга солди. Туман раҳбарининг адабиётга, шеърятга ошнолигидан ҳам билса бўладики, ҳудудда маънавий-маърифий соҳада янада юксалиш бўй кўрсатаверади, қалби эзгуликка лиммо-лим сўхликлар яратиш-яшнатиш ишида бор куч-ғайратларини сарфлайверади. Туман маданият марказида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаол хотин-қизлар, мактаб раҳбарлари ва

тадбиркорлар иштирокида “Сўх тумани: маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар самарадорлиги” мавзусида амалий кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Фаргона вилояти бўлими раҳбари Маъсуджон Сулаймонов, “Маърифат” тарғиботчилар гуруҳи раҳбари Шавкат Тўйчиевнинг маърузалари, фикр-мулоҳазалари тингланди. Очик ва самимий мулоқот давомида семинар иштирокчиларининг фаоллиги сезилиб турди. Олдинда кутиб турган долзарб вазифалар хусусида келишиб олинди.

– Баландпарвоз гаплардан воз кечиш пайти келди, тезроқ амалий ишларга ўтиш, ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга кириб бориб, одамлар қалбига йўл топиш, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш, ёшлар онги ва шуурига салбий таъсир этаётган вайронкор ғояларга қарши курашиш, маҳалла, мактаб

алоҳида эътибор ва рағбат хусусида гапирди.

Семинар якунида бир гуруҳ маънавият тарғиботчилари ҳамда соҳада фидойилик кўрсатаётган масъуллар Маънавият ва маърифат маркази Фаргона вилояти бўлими томонидан ташаккурномалар, эсдалик совғалари билан тақдирланди, китоблар тарқатилди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишлари билан танишишди. Шунингдек, “Чашма” булоғи, “Ҳазрат Али” зиёратгоҳига саёҳат иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Икки кун давом этган маънавият тадбирлари давомида дил изҳорлари, мушоиралар, куй-қўшиқлар садоси тоғларда жаранг сочди. Кўнгиллар кўнгиллардан сув ичди. Эл азиз, инсон азиз бўлган Янги Ўзбекистон тараққи-



ва оила ҳамкорлигини юқори босқичга олиб чиқиш керак. Бу ишларда маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, зиёлилар ва маънавият тарғиботчиларининг ўрни катта, – деди М.Сулаймонов.

Тадбирда Фаргона политехника институти биринчи проректори, истеъдодли шоир Мирзоҳид Ботиров ўзининг Ватан, она, эрк ҳақидаги шеърларини айтиб берди. Институтда таҳсил олаётган сўхлик талабалар учун яратилган шарт-шароитлар, ижодкорлар учун

ётига дахлдорлик туйғуси жўш урди. Бу жўшқинлик тошлардан тошларга урилиб, кўприк оқаётган Сўх сойи мавжларида акс этди. Меҳмонларни қўйиб юборгиси келмаётган, яна ва яна суҳбат қуришга иштиёқманд сўхликларнинг ёлқинланган кўзларида порлаган нур юртимиз жипслиги ва халқимиз фаровонлиги, ёрқин келажакка ишончдан дарак бериб турди.

Н. БОЗОРОВА

Мулоҳаза

Боланинг бир оти таёқ

Ҳаммамиз учун азиз бўлган фарзанд тарбияси билвосита ёки бевосита методологиясини аллақачон олимлар, улғу инсонлар босқичма-босқич баён қилиб беришган бўлса, бугунги кунда ҳам мутахассислар бу борада етарли даражада ўз тавсияларини тақлиф қиляпти. Энг қизиғи, шунча уринишлар, тажрибалар, илмлар, қўлланмалар бўлиши баробарида ҳамон фарзанд тарбияси масаласида муаммолар етарлича.

Илмий адабиётларда тарбия ҳақида берилган маълумотлардан мавзуга оид бўлган мисолни келтираман: “Тарбия – шахсда муайян жисмоний, рухий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшashi учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора тадбирлар йиғиндиси. Тарбия инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий қадриятдир. Тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилиқ жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар Тарбия туфайлигини бир авлоддан бошқасига ўтади”.

Маълум бўлганича, ота-она учун фарзанд қанча қадрли бўлса, жамият учун ҳам унинг тарбияси жуда муҳим экан. Демак, фарзанд тарбиясига юзаки қарашга ҳеч бир ота-онанинг ҳаққи йўқ. Нега фақат ота-онага ургу бериляпти? Чунки оиладаги бошқа одамлар ҳам масъулдирлар деган савол пайдо бўлиши мумкин. Бунга жавобан айтаманки, ҳар бир фарзанднинг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам энг аввало ота-онага нисбат берилади. Элимизда бир гап бор, бирор бегона ўспириннинг қилган ишидан ёки муомаласидан хурсанд бўлган кишилар: “Отанга раҳмат, барака топ, сенга тарбия берган ота-онанга раҳмат” деган жумлаларни ишлатишади. Ислоҳ динида ҳам фарзанд қадри-қиммати юзасидан уни тўғри тарбиялаш, икром қилиш ҳақида жуда кўп кўрсатмалар бор.

Ҳар бир ота-она албатта ўз фарзандининг етук бўлиб вояга етишини истайди. Лекин қуруқ истак билан ёки керагидан ортиқча шароит яратиш билан кўзланган мақсад ҳосил бўлмаслиги мумкин. Боланинг бир оти таёқ, деганда доно халқимиз тарбиянинг яхлит тушунчасини айтиб қўйибди. Энди биз боланинг тарбияси ҳақидаги гаплардан бир дам тийилиб, унга тарбия бериш лозим бўлган кишилар, энг аввало ота-оналар бу борада қандай йўл тутишларини бир ўйлаб кўрайлик. Қуш уясида кўрганини қилади, деган гап ҳам бежиз айтилмаган. Ота-она фарзандга ибрат бўлиши кераклиги баён қилинмоқда. Қандай ванималар асосида ўрнатилган лозим. Аввало айтганимиздек фарзанд биринчидан Аллоҳ таолонинг бандаларига берган улғу неъматини, оиланинг давомийлигини таъминлайдиган “тирноқ”. Бу бахтга муносиб бўлиш учун эса қанчалаб сазий-ҳаракат қилиш талаб этилади. Тарбия беришни-ку ўзимиз қоникарли даражада ўқиб-ўргандик дейлик. Аммо ўрнатилган масаласи мутлақо бошқа нарса ва тарбия беришнинг асоси, яъни ўзаги ҳисобланганига эътибор қиладиган бўлсак. Биринчидан, эр-хотин муомаласини ширин, ва мулоқим қилиш; жерқиниб гапириш, қарғаш, сўқиниш каби иллатлар болани издан чиқаради. Бу борада жуда кўп эшитгансиз ва биласиз. Бу масала энг нозик ва энг муҳим жиҳати. Иккинчидан, ҳозир оилаларда тансиқ ёки ноёб бўлиб кетаётган бир жиҳат борки, бу масала ўта даражада оғир. Бу нима экан дейсизми? Албатта устозлардан бу ҳақда кўп эшитдик,

китобларда ҳам кўп дуч келинади ва ҳаётда ҳам ҳар қандамда учрайдиган бир жиҳатки, кишининг тарбия мувоzanатини мутлақо бир сўзбилангина ҳавога совурилиши мумкин экан. Бу нарса? Кексаларга ҳурмат кўрсатиш!!!

Кекса кишини ҳурмат қилиш оддий гап эмас. Мисол учун, оилада кекса бобоси ёки момоси бор боланинг тарбияси билан ёлғиз катта бўлган боланинг ҳулқида бир хиллик сезасизми? Болага ибрат бўлишда биринчи навбатда ота-она ўзининг ота-онасини, келин бўлса шу оиладаги қайнона-қайночасини самимий ҳурмат билан гапириш керак. Юзига бошқача муносабат, орқасидан бошқача гап-сўзларни бола зукко бўлишига эътибор қаратилса, улар самимийлик билан сохтакорликни тез илғайдилар. Буни Аллоҳ таолонинг ўзи уларга инъом қилган яна бир неъмат деб билиб, ва барчаси ота-онага берилган ҳадя сифатида қабул қилинса. Тарбиянинг асосини кексаларга ҳурмат кўрсатиб, икром қилиш, уларнинг кўнглига қараб муомала қилиш жуда муҳимлиги келиб чиқади.

Одамзод улғу ёшга етганда яна бола каби инжиқлашади. Буни илм ҳам, ҳалим ҳам, донишмандлар ҳам бирдек иттифок қилишган. Бунинг устига қувватдан кетиши, дардман бўлиши ва ҳоказо. Уларга нисбатан қилинаётган муносабатлар, муомалаларни болалар зийраклик билан кузатиб боришади. Чунки ота-онанга кўра бола учун кексайган қариндоши суякли бўлишининг бир сабаби, улар бола каби муносабат қилишидир. Ана шу тарбия жараёнига оилаларда диққатлироқ бўлишса, қолганларийўз ўрнига тушиб кетиши осонлашади. Бу ҳақда узок баён қилиш мумкин. Лекин ҳар ким атрофдаги яқинларидан кексаларни ҳурмат қилишининг фойдалари ҳақида сўраб билиб олишиэнг яхши йўл эканлигини ҳисобга олиб шу жиҳатларга эътиборлироқ бўлишни тавсия қилган бўлардик.

Абдулхамид ЖУМАНОВ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент Ислоҳ институти
катта ўқитувчиси.

“Лайли ва Мажнун”. Мана, неча юз йилдирки бу икки исм пок севги, вафо ва садоқат ифодаси бўлиб келади. Уларнинг номи қанчадан-қанча шеър у азгаларда зикр этилмади, уларнинг ишқи қанчадан-қанча қиссаю достонларда, эртак ва афсоналарда куйланмади, дейсиз..

НАВОИЙНИ ИШЛАТГАН ДОСТОН



Лайли ва Мажнун чиндан ҳам ҳаётда яшаб ўтганми, деган савол кўпдан бери адабиётшунос олимларни ўйлантириб келади. Бу хусусдаги ишқий қиссаларнинг барчасида ҳар иккиси араб қабилаларида туғилиб ўсгани айтилади. Баъзи маълумотларга кўра, Қайс тарихий шахс бўлиб, унинг тўлиқ исми Қайс ибн Муоз ёки Қайс ибн Мулаввах бўлган ва Мажнун тахаллуси билан шеърлар битган.

Дарҳақиқат, араб мумтоз шеъриятида ушбу тахаллус билан бир қанча шоир ижод қилгани маълум. Лекин уларнинг қай бири биз ўйлаган Мажнун эканини аниқлаш мушкул. XI асрда яшаган тарихчи ва сайёҳ Носир Хисравнинг ёзишича, Тоиф яқинида маҳаллий кишилардан бири унга Лайли яшаган кўрғоннинг харобаларини кўрсатган. Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий сингари Шарқ адабиётининг етук намояндалари бу мавзуда бир-биридан рангин ва гўзал достонлар яратишган. Ана шу уч буюк сиймони ўзига устоз билган Мир Алишер Навоий илк бора бу қиссани туркий тилда қайтадан “дунёга келтиради”.

Навоийнинг достонида тасвирланишича, Қайс араб саҳросидаги бир қабил сардорининг биттаю битта ўғли эди. У ёшлигидан ақлу одоби, ўткир зехни, чиройли хулқи билан эл оғзига тушади. Мактабда кўшни, қабил бошлиғининг қизи – Лайлини севиб қолади. Лайли ҳам унга кўнгили қўяди. Аммо давр тақозоси, маҳаллий урф-одатлар уларнинг ошқора севишиб, бир-бирининг дийдорига тўйишга имкон бермайди. Қайс жунун саҳросига юз буради. Лайлининг дардида куйиб-ёниб, эл ичида Мажнун деган от чиқаради.

Лайли ҳам Мажнуннинг ишқиди зор, аммо, ота-онасининг қарори олдида ночор эди. Бу орада яна бир қабил сардори Ибн Салом Лайлини учратиб уни севиб қолади ва совчи йўллайди. Ибн Саломнинг шон-шухрати ва бойлигига учган Лайлининг отаси унга розилик беради.

Мажнун саҳродаги паррандаю даррандалар билан дўст тутинади. Не тонгки, инсонлар орасидан тополмаган сирдош ва дарддошларни у ҳайвонлар орасидан топади. Кунларнинг бирида ўзининг паҳлавонлиги билан ном чиқарган зодагон Навфал ов чоғида Мажнунни учратади, унинг қиссасидан огоҳ бўлиб, ёрдам бермоқчи бўла-

ди, Мажнунни фарзандликка қабул қилади.

Навфал Мажнун номидан Лайлининг қўлини сўраб одам юборади. Мажнуннинг отаси эса рад жавобини беради. Навфал қўшин тўплаб, Ҳай қабиласига юриш қилади. Тўқнашувнинг дастлабки куниёқ Навфал қўшинининг куч жихатдан устун экани сезилади. Бу жангда муқаррар енгилишини билган Лайлининг отаси қизини ўлдиришни дилига тугади. Шу оқшом Мажнуннинг тушига маҳбубаси кириб, бениҳоя бахтли экани, ёрининг қўйида шарафли ўлим топаётганини айтади. Бу тушдан сапчиб уйғонган Мажнун Навфалнинг қошига боради ва жангни тўхтатишни илтимос қилади. Навфал қўшини билан ортга қайтади. У Мажнуннинг отаси билан маслаҳатлашиб, уни ўзига куёв қилиш ниятида эканини айтади. Ота-оналарининг раъйига қарши бора олмаган Мажнун Навфалга куёв, Лайли эса, Ибн Саломнинг жуфти ҳалоли бўлишга розилик беришади.

Тўй тугаб, Мажнун келин билан ёлғиз қолади. Навфалнинг қизи ҳам бир йигитга кўнгили берган, аммо, дилидаги ота-онасига айта олмай, юраги қон бўлиб келарди. Мажнун унинг бу дардли кечмишини эшитиб, келиннинг ёнида чиқиб ўз макони бўлган саҳрога йўл олади. Иттифоқо, тўй кечаси кўпроқ ичиб қўйган Ибн Саломнинг хафакон хасталиги хуруж қилади ва ҳушидан кетади. Лайли ҳам ҳеч кимга билдирмай, куёвнинг хонадонини тарк этади ва тасодифан саҳрода Мажнун билан учрашади. Шу оқшом кимсасиз бир масканда улар бир-бирларининг дийдорларидан баҳра оладилар. Тонг отгач, Лайли уйига қайтади, Мажнун эса, Нажд тоғидан паноҳ топади. Ўғилларининг аҳволига чидолмаган ота-она ҳам бу оламни тарк этишади.

Ишқ дарди, ҳижрон аламлари, тақдирнинг бевафолиги Лайлини ҳолдан тойдирган эди. У анча пайт тўшакка михланади ва омонатини топширади. Ўлими олдидан ҳар иккисини бир қабрга дафн этишни васият қилади.

Ҳожидадан хабар топган Мажнун ўқирганча Лайлининг қабиласи томон йўл олади. Лайли ётган хонага киради, маҳбубасининг устига ўзини ташлаб, жон таслим қилади. Шу тариқа тирикликда бир-бирига етиша олмаган икки қалб ўлимдан сўнгина бирлашади.

Уларни Лайлининг васиятига биноян бир тобутга солиб, сўнги манзилга олиб борадилар ва битта лаҳадга қўйиб қайтадилар.

Асарнинг «финал» қисми – ҳар икки қаҳрамоннинг ўлими, уларнинг сўнги манзилга тасвирланган мисраларни хаяжонсиз ўқиш қийин.

Бир наъшиқа солдилар иковни,

Жонсиз келину ўлук куёвни.

Кирди ики жисм бир кафанга,

Йўқ-йўқ, ики руҳ бир баданга...

Маълумотларга кўра, буюк адиб Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»даги Кумушбибини, Оноре де Балзак ўзининг сеvimли қаҳрамони Горио отани «ўлдириб» қўйишганида ёш боладек кўз-ёш тўкишган экан. Худди ана шу ҳолни бир неча аср аввал ҳазрат Навоий ҳам бошларидан кечирган эканлар.

Яъни бу сифат фироқнома,

Бўлди манга қатрарез хома.

Сўгин нечаким узоттим охир,

Йиғлай-йиғлай туготтим, охир.

...1941 йилнинг 10 декабрида, Ленинград камали шароитида, Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда сўзга чиққан шарқшунос олим Николай Коград катта минбардан туриб, гапираркан, кўзига ёш олиб, "Мен ана шундай буюк шоирни етиштирган ўзбек халқи олдида тиз чўкиб, таъзим қиламан", деган эди.

Лайли ва Мажнун мавзусига Навоийдан кейин ҳам жуда кўплаб ижод аҳли мурожаат этган. Хусусан, сўз заргарларидан яна бири Муҳаммад Фузулий ҳам ана шундай достон яратган. Туркий тилдаги яратилган ушбу асарда ҳам шоирнинг ҳазрат даҳосидан, унинг бетакрор ижодидан баҳра олгани сезилиб туради.

Бундан бир аср муқаддам “Лайли ва Мажнун” театр сахнасига чиқарилди. Мусулмон шарқидаги илк опера Озарбойжон бастакори Узайир Ҳожибеков ижодига мансуб «Лайли ва Мажнун» операси эди. Бу мавзуда турли мамлакатларда кўплаб сахна ва экран дурдоналари яратилди.

Дарҳақиқат, мана йиллар, асрлар ўтса-да, Лайли ва Мажнун номи, уларнинг пок муҳаббати, дарду аламларга бой ҳаёти тилларда достон бўлиб келаёттир. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда:

Ишқ аҳли бу навъ бўлсалар пок,

Гар васл муаббад ўлса, не бок...

Рустам ЖАББОРОВ

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология ва
атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОҲОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-808
Адади: 1507.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жихатдан
сифатли чоп этилишига “Шарқ”
нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

“ҲАҚИҚАТ ҲАР КИМГА ҲАМ ЁҚАВЕРМАЙДИ...”



Ғира-шира ёдимда. Ўшанда мактабда қуйи синфда ўқирдим. Аямнинг сирти сийқа тортиб, ранги ўчаёзган, унча катта бўлмаган жомадони бўларди. Унда фақат китоблар сақланарди. Китобларнинг ўрни торгина жомадонда эмас, жавонда бўлишига ақлим етганди. Аммо уйимизда бор-йўғи бўйи бўйимга тенг эски жавон бўлиб, унинг тирноқдай ингичка шишали тоқчаларида ялтир-юлтур идиш-товоқлар териб қўйилганди.

“Икки эшик ораси” мени шундай жодулаб қўйдик, асар мутолаасини тугатиб ҳам неча кун ўзимга кела олмай, хаёллар оғушида юрдим. Кимсаннинг катта жасоратлари, Робиянинг тенгсиз садоқати, Музаффар ва Мунаввар ўртасидаги соф муҳаббат, Қора амманнинг ўзбек аёлларига хос оналик меҳри-ю шафқати, одамийлик мулкидан сабоқ берадиган Ориф оқсоқол, меҳнатдан ўзгани билмайдиган Хусан дума, сирти инсон-у инсонийликдан йироқ Умар закунчилар ва бошқалар каттик мутаассир этганди. Шундан кейин адибнинг ҳар бир янги асарини интиқлик билан кутадиган бўлдим.

Ўқишни тугатиб, таҳририятга ишга янги келган кезларим. Фаолиятни дастлаб мусахҳихликдан бошлаган эсам-да, қораламалар қилиб юрганымдан бўлса керак, муҳаррир газетбоп материаллар тайёрлаб беришимни сўрарди. Ҳали танқидий-таҳлилий мақолалар ёзишга қаламнинг кучи етмасди-ю аммо интервью, суҳбатлар тайёрлашнинг техникасини ўргангандим. Бу кунга қадар икки-уч ижодкорнинг суҳбатларини ёзиб олгандим. Мени аввалдан қизиқитириб келган, шахсияти ва ижодига хурматим баланд адиб Ўткир Ҳошимов билан суҳбат қуришни орзулаб юрардим. Қаранг, идорамизнинг пойтахтдаги филиалида (таҳририят Самарқандда жойлашган) ишлаб юрган Раъно опа ёзувчи ишхонасига қатнаб, унинг мақолалари ва ҳикояларини таҳририятга етказиб турарди. Бир куни шу ҳамкасб опадан илтимос қилдим.

— Раъно опа, устоздан сўраб беринг, газета учун интервью берарми-канлар?

— Вой, нега бермас эканлар? Бердилар. Мен эртага ишхоналарига ўтаман, эслатаман.

Одатда, журналист олдиға мақсад қўйдими, то эришмагунча тинчимаслиги керак. Эшитганим бор. Дейлик, у бирор суҳбатдошдан суҳбат

ёзиб олиш учун унинг олдиға борса-ю қахрамони ичкарига киритмай эшикни беркитса, айланиб деразадан ошиб тушиши керак эмиш. Афсуски, менда бундай беандишалик, фавкуллода журъат йўқ. Доим бировнинг кўнглига, кайфиятига қараб иш тутаман. Раъно опадан улуг адиб билан суҳбатлашиш учун унинг изн беришини сўрадим-у, юрак ҳовучлаб юрдим: адиб рози бўлмаса-чи, бирор баҳона топиб ортга сурса-чи... Йўқ, икки кун ўтиб, опа кўнғироқ қилиб, каминадан суюнчи олди:

— Бардам бўлинг, устоз розилик бердилар. Яхши саволлар тузиб келинг. Келадиган кунингиз аниқ бўлса, олдиндан телефон қилинг, мен у кишига эслатиб қўяман...

Илк учрашувимиздан кейин мен устозга яқин бўла бошладим. Тез-тез кўнғироқ қилиб турдим. Ора-орада ижод, адабиёт борасида ўзимни қизиқтирган саволларни бериб, жавоб тарикасида қутилмаган, мағзи тўқ, ҳар тарафлама асосли фикрларни олардим.

Шу кезлар илк ҳикоялар тўпланимим “Салом, ширин туйғулар!” “Янги аср авлоди”да нашр этилаётганди. Нашриёт муҳаррири китобча учун сўзбоши кераклигини айтганида кимга мурожаат қилишни билмай ўйланиб қолдим. Ҳали адабий жамоатчилик мени танимади. Қўлёмаларимни кўтариб уюшмага боришга эса журъат йўқ эди. Вақт ўтаётганди. Муҳаррир эса тикилинч қилиб олган. Охири тортина-тортина адиб Ўткир Ҳошимовга кўнғироқ қилдим. Муддаомни айтдим.

— Қўлёмаларингни олиб келавер.

Адиб ҳикояларимни тез муддатда ўқиб, ҳарф терадиган машинкада ярим бетлик сўзбоши ёзиб берди. Сўзбоши баландпарвоз гаплардан холи, самимий, дилдан ёзилгани биллиниб турарди. Унинг қораламларимни синчковлик, эътибор билан ўқиганини сездим. Чунки бир йил

аввал Зомин ёш ижодкорлар учрашувига қатнашганимда Туроб Мақсуд деган ёзувчи машқларим билан танишгач, илиқ гаплар айтганди, сал кейинроқ “Ёшлик” журнаliga оқ йўл ёзиб бериб, “Дийдор” деган ҳикоямни чоп эттирганди. Бошқа ижодкорларнинг ҳам мактовларини эшитгандим.

Одатда катта адиблар ўз қаноти остига олажак ёш қаламкашларга нисбатан ғамхўр бўлишади. Уларнинг истезодларини тарбиялаб, вақт-вақти билан йўл-йўриқлар кўрсатиб боришади. Чекимга Ўткир Ҳошимовдек улуг адибнинг тушгани, бу ёзувчининг назарига туша бошлаганини дилдан туярдим бировга сездирмай юрардим. Бир кун ишхонадаги ҳамкасблардан бири туртилаб, суюнчи олди:

— Уккағарей, писмиқ экансизку а? Кеча “Ёшлар” (Ёшлар) радиоканалида Ўткир Ҳошимовни эшитиб турсам, сизни мактай кетса бўлади-ми?

Очиғи, бу мен учун сюрприз эди. Кейинчалик билдимки, устоз ўзи билган, қалами бор ёш ижодкорларни кўллаб, маънан рағбат кўрсатар экан.

Ҳамма вақт ҳам одамнинг иши бир текисда кечмайди. Гоҳ кайфият кўтарилади, гоҳ тушади. Яхши-ёмон кунлар бир-бирига соядай эргашиб юради. Таҳририят ишларида каминанинг айби билан хатоликлар юз бериб, кўнглим хуфтон бўлиб юрган кезларим эди. Вақтинча таҳририят ишларидан озод бўлиш учун ариза ёзиб бўшадим. Бир-икки ой ишсиз юрдим. Устоз билан кўнғироқлашиб турардим. У киши ишдан кетганимдан хабардор эди.

— Бир газетага гаплашмоқчи бўлиб юргандим. Бекор юришинг яхшимас, — деди адиб ғамхўрлик билан. Мен рад этдим. Ҳозирча матбуот ишида ишламай туришим маъқуллигини айтдим. Устоз мени ташунди.

Ижод аҳлининг ўзига яраша қайсарлиги бўлади. Кўнглига келдими, уни ўзи истаган нарсдан қайтариш осон бўлмайди.

Ўшанда устоз билан сўнгги бор дийдорлашаётганимни қаердан билай? Кўп ўтмай Россияга кетдим.

Қиши аримас, хавоси совуқ ўлкадан қайтганман. Янги иш бошлаган хусусий бир газетада ишлапман. Интернет тизими йўлга қўйилган. Кунлик хабар кунда эълон қилинади. Бир вақт янгиликларга кўз югуртириб, таниш исмга дуч келдим у ка-рахт бўлдим қолдим.

“...Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов вафот этди...”

Бошим айланиб, кўз олдим тиниб кетди. Бир ҳафта олдин кўнғироқ қилиб, гаплашгандик. Устознинг беморлигини, даволанаётганини билмасдим. Аттанг... Бўлмаса, Тошкент Америко эмас. Уч-тўрт соатлик йўл.

Устознинг бу дунёни тарк этаётгани юрак-бағримни ўртаб юборди. Дийдор қиёматга қолгани ҳақиқат эди. Ҳақиқат устознинг ўзи айтганидек доим аччиқ бўлади. Мен бунга тоқат қилолмадим.

Аямнинг китоб жомадони титилиб, ярамай қолганидан бўлса керак, ташлаб юборганлар. Аммо унинг ичида сақланган хазина ғойиб бўлгани йўқ. Бошқа ерда асраляпти. Тўғрироғи, ёши ёшимдан улуг, нуроний бу китоблар сочилиб, йўқ бўлиб кетишини истамай бағримга олдим — китоб жавонимга териб қўйибман. Улар орасида “Икки эшик ораси”нинг аввалги ва устоз дастхат ёзиб ҳада қилган янги нашри ёнма-ён турибди. Ҳар гал кўзим тушганида, устоз меҳри тафтини соғинганимда китобларни қўлимга олиб, секин-ва-рақлайман. Ҳаёт ҳақиқатларини баралла айтган, инсонийлик йўлидан ортга чекинмаган ва бошқаларни ҳам шу ёруғ йўлдан юришга даъват этган, доим кўнғилларга талпиниб яшаган ҳақиқат жарчиси, буюк адиб, устоз Ўткир Ҳошимов сиймоси кўз олдимда намоён бўлади... Шунда устоз айтган бир сўз ёдимга келади:

“Ҳақиқат ҳамма вақт ҳам ширин бўлавермайди. Аччиқ ҳақиқат эса барчага ҳам ёқавермайди. Ижодкорнинг қалби доимо эзгуликни баралла, жўшиб қуйлаши унинг зиммасидаги масъулият, бурчдир. Буни адо этиш учун унда журъат зуҳр бўлиши керак...”

Умид АЛИ